

## ХУКМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2024 йил июнь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шу судининг раиси О.Тоғаев, судья ёрдамчиси Д.Давлатовнинг котиблигида, тарафлардан Шеробод туман прокурорининг ёрдамчиси И.Халиков, ҳимоячи -адвокат Р.Собировнинг иштирокида, Турсунов Асомиддин Ўткир ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1913-2401/96 рақамли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўр:

Судланувчи Турсунов Асомиддин Ўткир ўғли (Tursunov Asomiddin O'tkir o'g'li), 1998 йил 5 ноябрда Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам 26.03.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилган, вақтинча ишсиз, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, “Оқтепа” маҳалласида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 5 июнда олган олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини эшитиб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Судланувчи А.Турсунов фоҳишахона ташкил этиш, сақлаш, шунингдек ғаразли ва бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш жиноятини қуйидаги ҳолатда қасддан содир этган.

Жумладан, А.Турсунов моддий бойлик орттириш мақсадида, 2024 йил 7 май куни соат 22:30 да, Шеробод тумани, “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган Турсунбоев Бунёд Карим ўғлига тегишли бўлган дала ҳовлисида фоҳишахона ташкил этиб, ўзига илгаридан таниш бўлган Қизирик тумани, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Омондавлатова Сарвиноз Баҳром кизи ва унинг таниши “Х” исмли шахс билан ўзаро жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилган.



Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида А.Турсуновнинг яшаш уйидан “День и Ночь” ёзуви туширилган жинсий алоқа қилишда фойдаланиладиган химоя воситаси ҳамда А.Турсуновдан эса 50.000 сўмлик купюрадаги 150.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи А.Турсунов судда эълон қилинган айбловга иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у, 2024 йил 7 май куни тунги соат 22:30 да, унинг қўл телефонига ўзига таниш бўлган С.Омондавлатова қўнғироқ қилгани, унга қўнғироқ қилиб бир таниши билан бирга 1-соатга жинсий алоқа қилиши учун жой кераклигини илтимос қилгани, шундан сўнг у, Шеробод тумани, “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган Турсунбоев Бунёд Карим ўғлига тегишли бўлган дала ҳовлисида С.Омондавлатова бир таниш билан 150.000 сўм пул эвазига жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бергани, орадан бироз вақт ўтиб, ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан келиб, С.Омондавлатовани таниши билан жинсий алоқа қилаётган вақтида ушлашгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ундан С.Омондавлатованинг таниши берган 150.000 сўм пулларни ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олгани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Б.Турсунов судда берган кўрсатмасида, ҳақиқатдан ҳам у, 2024 йил 7 май куни кечки пайт синфдош ўртоғи А.Турсунов унга “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган дала ҳовлисини калитини беришлигини илтимос қилгани, А.Турсунов унга меҳмони борлигини айтиб, дала ҳовлисининг калитини олиб кетгани, А.Турсунов ўзига таниши бўлган С.Омондавлатова ва бир таниш билан 150.000 сўм пул эвазига жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бергани, орадан бироз вақт ўтиб, ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан келиб, А.Турсуновдан С.Омондавлатованинг таниши берган 150.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинганлигини баён қилди.

Судланувчи А.Турсуновнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, гувоҳ Б.Турсунов ва А.Қудратовнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмалари билан, гувоҳ Ш.Эшбоевнинг дастлабки терговдаги кўрсатмалари билан, билдиргилар билан (и.в.7-8), ҳодиса жойини кўздан кечириш ва ашёни олиш ҳақида баённома ва ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (и.в.10-16), нақд пул қимматликларини ва овоз ёзиш маосламасини тадбирга эркин жал қилинган мижозга тақдим қилиш ҳақида баённома ҳамда илов қилинган фотосурат билан (и.в.17-19), пушаймонлик аризаси билан (и.в.20), тилхатлар билан (и.в.42-43), нарсани далилий ашё деб топиш ҳақида қарорлар ва унга илова қилинган тилхат билан (и.в.78-80), тушунтириш хатлари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи А.Турсуновнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан А.Турсуновнинг фоҳишахона ташкил этиш, сақлаш, шунингдек ғаразли ва бошқа паст ниятларда



кўшмачилик қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, иш материаллари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, судланувчи А.Турсунов моддий бойлик орттириш мақсадида, 2024 йил 7 май куни соат 22:30 да, Шеробод тумани, “Оқтепа” маҳалласи ҳудудида жойлашган Турсунбоев Бунёд Карим ўғлига тегишли бўлган дала ҳовлисида фоҳишахона ташкил этиб, ўзига илгаридан таниш бўлган Қизирик тумани, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи С.Омондавлатова ва унинг таниши “Х” исмли шахс билан ўзаро жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда кўшмачилик қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, А.Турсуновга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, бўйдоқлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, иш бўйича оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли унга нисбатан айбли деб топилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-модданинг 2-қисми билан қонуни санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига кўшилган “День и Ночь” ёзуви туширилган жинсий алоқа қилишда фойдаланиладиган ҳимоя воситаси воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни;

-судланувчи А.Турсуновдан ашёвий далил тариқасида олинган 100.000 сўм миқдоридagi пулларни тилхат орқали туман ИИБ ходимларига қайтарилганлигини маълумот учун қабул қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд



**ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Турсунов Асомиддин Ўткир ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Турсуновга Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 2-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Турсуновга озодликни чеклаш жазосини Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, “Оқтепа” маҳалласида жойлашган яшаш хонадонидида ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги;

-кеч соат 23:00 дан эрталаб 06:00 га қадар яшаш хонадонидида бўлиш;

-Шеробод туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-спиртли ичимлик сотиладиган ресторан, бар ва кафеларга бормаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-жазо ижросини назорат қилувчи орган розилигисиз иш жойини ўзгартирмаслик каби тақиқ (чеклаш) лар ўрнатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Сурхондарё вилояти, Шеробод туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи Сурхондарё вилояти, Шеробод туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб, ўтатирилсин.

А.Турсуновга нисбатан қўлланилган "муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат" эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган “День и Ночь” ёзуви туширилган жинсий алоқа қилишда фойдаланиладиган химоя воситаси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Судланувчи А.Турсуновдан ашёвий далил тариқасида олинган 100.000 сўм миқдоридидаги пулларни тилхат орқали туман ИИБ ходимларига қайтарилганлигини маълумот учун қабул қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**О.Тоғаев**

**нусхаси аслига тўғри:**

,

